



МЧЖ "XB FINANCE KONSULTING"

Аудиторлик ташкилоти

Тошкент ш, Миробод тумани, Госпитал дахаси 11/2, тел.:252-37-04 (97)251-88-00 р/с 20208000604408712001

ЧАКБ "DAVR BANK", МФО 01046, СТР 205 666 530, ИФУТ 69202 e-mail: XB.Finance-konsulting@mail.ru

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

"TOSHKENT INVEST KOMPANIYASI"

АЖ раҳбариятига

(ИНН 310 731 897)

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Чилонзор туман,

Бешёғоч МФЙ, Ислон Каримов кўчаси, 51-уй,

Фикр.

Биз "TOSHKENT INVEST KOMPANIYASI" акциядорлик жамияти(кейинги ўринларда «Корхона»)нинг 2023- йил 31- декабр ҳолатига бўлган Бухгалтерия баланси – (Форма №1) ва кўрсатилган санадаги Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи – (Форма №2), шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қондаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изохловчи маълумотларидан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисоботлар Корхонанинг 2023- йил 31- декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини барча муҳим жиҳатларда Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС)га мувофиқ тўғри акс эттирилган.

Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг "Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги" бўлимида батафсил ёритилган. Биз корхонадан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) "Профессионал бухгалтерлар учун ахлоқ Кодекси" талабларига ва ахлоқий қондаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли қонун ҳужжатларига, ҳамда БХАСК Кодексида белгиланган бошқа мажбуриятларга амал қилганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги.

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС)га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлигини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги.

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри курсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хулосасида акс эттириш. Ақлли ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлиб, АХСларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни қўллаيمиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

✓ фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламмиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик rischi хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик riskидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;

✓ корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор Корхона ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;

✓ қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;

Бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа туғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган хулосага келсак, аудит хулосасида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит хулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.

Биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида мулоқот қиламиз.

Биз шунингдек Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз.

**«XB FINANCE KONSULTING» Аудиторлик
ташкilotи директори, аудитор:**



Тошкент шаҳри, Госпитал даҳаси 11/2.

2024 йил 14 май куни

Д.Р.Мухитдининов

(Молия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 октябрда берилган
№05565 – сонли аудиторлик малака сертификати.)



МЧЖ "XB FINANCE KONSULTING"

Аудиторлик ташкилоти

Тошкент ш, Миробод тумани, Госпитал дахаси 11/2, тел.:252-37-04 (97)251-88-00 р/с 20208000604408712001

ЧАКБ "DAVR BANK", МФО 01046, ИНН 205 666 530, ИФУТ 69202 e-mail: XB.Finance-konsulting@mail.ru

"TOSHKENT INVEST KOMPANIYASI" Акциядорлик жамиятида ўтказилган аудиторлик текшируви якуни бўйича

М а ъ л у м о т

МЧЖ "XB FINANCE KONSULTING" аудиторлик ташкилоти директор-аудитори Д.Р.Мухитдинов (Молия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 октябрда берилган №05565 –сонли аудиторлик малака сертификати эга.) аудиторлик ташкилотимиз билан "TOSHKENT INVEST KOMPANIYASI" акциядорлик жамияти ўртасида 2024- йил 24- апрел кунини тузилган 2228899-сонли шартномага асосан акциядорлик жамиятини 2023- йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботларини барча муҳим жихатларда Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия хисоби тўрисида»ги қонуни ва Бухгалтерия хисобининг миллий стандартлари (БХМС)га мувофиқ келишини аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Аудиторлик текширувида қуйидагилар аниқланди:

Асосий воситалар хисоби- Асосий воситалар хисоби 21-сонли Бухгалтерия хисобининг миллий стандарти талабларига асосан 0140-0190 счётларда, уларга хисобланган эскиришлар хисоби асосий воситалар гуруҳига мос равишда 0240-0290 счётларда хисобга олиб борилган. Бухгалтерия хисоби маълумотларига кура 2023- йил 1- январ ҳолатига Жамият балансида асосий воситаларни ва уларни жамғарилган эскириш қиймати мавжуд бўлмаган. 2023 йил давомида бошланғич бухгалтерия ҳужжатларига асосан 75 768,0 минг сўмлик асосий воситалар кирим қилинган, асосий воситаларга тегишли бухгалтерия ўтказмалари тузилган. Асосий воситаларга Солиқ кодекси 306-моддасида белгиланган меёрларда 1 263,0 минг сўм эскириш хисобланган. 2023 йил охирига асосий воситаларни бошланғич қиймати 75 768,0 минг сўмни ва уларни жамғарилган эскириш қиймати 1 263,0 минг сўмни ташкил этган. Бухгалтерия балансини 010 сатрида асосий воситаларни бошланғич қиймати, 011 сатрида асосий воситаларни жамғарилган эскириш қиймати ва 012 сатрида асосий воситаларни қолдиқ қиймати кўрсатилади. 2024- йил 07-феврал кунини Чилонзор тумани Давлат солиқ инспекциясига топширилган бухгалтерия балансида 2023- йил бошига ва охирига асосий воситалар ва уларни жамғарилган эскириш қиймати қолдиғи бухгалтерия хисоби маълумотларига асосан тўғри кўрсатилган.

Ишлаб чиқариш захиралари: Ишлаб чиқариш захиралари хисоби 21-сонли Бухгалтерия хисобининг миллий стандарти талаблари асосида 1010-1090 счётларда хисобга олиб келинган. Бухгалтерия хисоби маълумотларига кўра 2023 йил 1 январ ҳолатига Жамият балансида ишлаб чиқариш захиралари қолдиғи мавжуд бўлмаган. 2023 йил давомида кирим ҳужжатларига асосан товар моддий қийматликлар кирим қилинган ва чиқим ҳужжатларига асосан хисобдан чиқариб чиқим қилиб келинган. Кирим ва чиқим ҳужжатларига асосан тегишли бухгалтерия ўтказмаси тузиб хисобга олиб келинган. 2023 йил охирига Жамиятдаги ишлаб чиқариш захиралари қолдиғи 13 170,0 минг сўмни ташкил этган. 2023 йил бошига ва 2023 йил охирига ишлаб чиқариш

захиралари қолдиги бухгалтерия балансини 150 сатрида бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосан тўғри кўрсатилган.

Кассадаги пул маблағлари ҳисоби: Жамиятда касса операциялари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 16 майдаги №12/17-сонли қарорига иловаси “Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари” асосида олиб борилганлигини аудиторлик текширувидан ўтказганимизда қуйидагилар аниқланди. Жамият кассасида 2023 йил боши ва йил охирига нақд пул маблағлари қолдиги бўлмаган. Йил мобайнида иш хақи ва унга тенлаштирилган тўловлар пластик карталар орқали амалга оширилган. Йил давомида кенгаш кассасига нақд пул маблағлари қирим қилинмаган..

Ҳисоб рақамидаги пул маблағлари ҳисоби: 21-БХМСга асосан Жамиятнинг банкдаги ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 5110 “Ҳисоб-китоб счёти”да ва махсус рақамдаги пул маблағлари ҳисоби 5530 “Бошқа махсус счётлар”да ҳисобга олиб борилган.

Ҳисоб рақами: Бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кўра 2023-йил 1-январ ҳолатига Жамиятнинг банкдаги ҳисоб рақамида пул маблағи қолдиги бўлмаган. Қирим ҳужжатларига асосан 5 002 216,13 минг сўм пул маблағлари қирим қилинган ва чиқим ҳужжатларига асосан 1431 681,07 минг сўм пул маблағлари чиқим қилинган. Қирим ва чиқим ҳужжатларига асосан тегишли бухгалтерия ўтказмалари тузилган. 2023 йил охирига ҳисоб рақамда 3 570 535,06 минг сўм пул маблағи қолдиги бўлган. Бухгалтерия ҳисоби қолдиги банк кўчирмаси қолдигига мос келади.

Махсус рақам: Бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кура 2023 йил бошига Жамиятнинг банкдаги махсус рақамида пул маблағи булмаган. 2023 йил охирига махсус рақамда 11 036,0 минг сўм пул маблағи қолдиги булган. Банк кучирмаси бўйича ҳисоб-китоблар ва пул маблағи қолдиги бухгалтерия ҳисобига мос келади.

Бухгалтерия балансининг 340 сатрида ҳисоб рақамдаги пул маблағлари коди 350 сатрида валюта рақамдаги пул маблағи қолдиги ва 360 сатрида махсус рақамдаги пул маблағлари қолдиги бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосан тўғри кўрсатилган.

Дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар: Жамият ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида буюртмачилар билан узаро ҳисоб-китобларни 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар” ва 6310 “Олинган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар”да Жамиятга хизмат курсатувчи ва таъминот Жамиятлари билан ҳисоб-китобларни 4310 “ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар” ва 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланган счётлар” счётида ҳисобга олиб келинган. Узаро ҳисоб-китоблар шартномаларга асосан электрон ҳисоб варақалар ва ўтказилган маблағларга тулов топшириқномалари расмийлаштириб келинган. Бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кура 2024 йил 1 январ ҳолатига Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар 16 813,0 минг сўмни ташкил этган.

Бухгалтерия балансини 220 сатри ва 670 сатрида буюртмачиларни , 260 ва 610 сатрларида хизмат курсатувчи Жамиятларни қарз ва ҳақлари бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосан тўғри кўрсатилган.

Меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар: Жамият рўйхатида бўлган ва рўйхатда турмаган ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш (меҳнат ҳақининг ҳамма турлари, мукофотлар, ёрдам, ишлайдиган пенсия олувчиларга ҳисобланган пенсия ва бошқа тўловлар) бўйича жорий қарзлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар” счётида ҳисобга олиб борилган. Иш ҳақи шартлар жадвалига асосан, қўшимча

туловлар рахбарият буйругига асосан хисоблаб келинган. Жамиятда ходимларга штатлар жадвалида белгиланган иш хаки каторида сметадан ташкари бажарилган хизматлар учун олинган даромадлар хисобидан иш хаки ва кушимча туловлар хисоблаб келинган. Бухгалтерия хисоби маълумотларига кура 2023 йил 1 январ ҳолатига Жамиятни иш хаки хисобига ходимлардан карзи булмаган. 2023 йилда давомида жами 1 133 791,79 минг сўм ходимларга иш хаки ва унга тенглаштирилган даромадлар хисобланган. 2023 йил охирига ходимларни жамиятдан олдиндан берилган иш ҳақлари хисобига 485 996,0 минг сўмни ва Жамиятни иш хаки хисобига ходимлардан карзи 492 748,0 минг сўмни ташкил этган. Бухгалтерия балансининг 250 сатрида ходимларни карзи ва 720 сатрида Жамиятнинг ходимлардан карзи акс эттирилади. Балансда иш хаки хисобига карз ва ҳақлар тўғри курсатилган.

Солиқлар ва ижтимоий туловлар буйича хисоб китоблар: 1-БХМСга асосан солиқ туловлари буйича хисоб китоблар бунақ туловлари 4400 счётида, хисобланган солиқ суммалари буйича карзлар 6400 счёта солиқ турлари буйича субсчётларга булинган ҳолда алоҳида-алоҳида, ижтимоий солиқ, жамғариб бориладиган пенсия вараги буйича хисоб китобларни бунақ туловлари 4500 счёта ва хисобланган суммалар буйича карзлар 6500 счёта тулов турлари буйича алоҳида субсчётларда хисобга олиб келинган. Хисобланган солиқ ва бошга туловлар хисоби ва тулаб берилган маблағлар буйича тегишли бухгалтерия утказмалари тузилган. Бухгалтерия балансини 270 сатрида солиқларни олдиндан туловлар буйича қолдиқ, 680 сатрида хисобланган солиқлар буйича карзлар, балансни 280 сатрида ижтимоий туловлар буйича олдиндан туловлар буйича қолдиқ ва 700 сатрида хисобланган туловлар буйича карзлар курсатилди. Бухгалтерия хисоби маълумотларига кура 2023 йил охирига солиқлардан олдиндан тулов хисобига Жамиятни хаки 503,0 минг сум ва карзи 41 708,0 минг сўмни, ижтимоий туловлар буйича карзи 80 724,0 минг сум булган. Бухгалтерия балансида қолдиқлар тўғри курсатилган.

Хусусий капитал хисоби: Жамиятнинг устав фонди хисоби 8330 счёта хисобга олинган. Бухгалтерия хисоби маълумотларига кура 2023 йил охирига жамият устав фонди 100 000 000,0 минг сўмни ташкил этган ва балансни 410 сатрида қолдиқ тўғри кўрсатилган. Лекин устав фонди тўлиқ шакллантирилмаган. Таксимланмаган фойда 8710 счёта хисобга олинган. Жамият 2023 йилни 1 443 145,0 минг сўм зарар билан яқунлаган. Балансни 450 сатрида қолдиқ тўғри курсатилган.

Даромад ва харажатлар: Жамиятда курсатилган хизматлардан олинган даромадлар 21-БХМСга асосан 9030 "Бажарилган ишлар ва курсатилган хизматлардан даромадлар" счётида, асосий фаолиятни бошқа даромадлари-бошқа Жамиятларга қулланилган жарималардан олинган даромадлар 9330 счёта ва кредиторлик карзларни хисобдан чиқаришдан олинган даромадларни 9360 счёта, валюта курси фарқи буйича даромадларни 9540 счёта хисобга олинган. 2023 йил давомида асосий фаолиятни бошқа даромадлари 2 100,0 минг сўмни ташкил этган.

Бажарилган хизматлар таннаҳи 9130 сётда, маъмурий харажатлар 9420 счёта, бошқа операция харажатлари 9430 счёта хисобга олинган. 2023 йилда маъмурий харажатлар 1 350 867,0 минг сумни, бошқа операция харажатлари 94 378,0 минг сумни, жами харажатлар 1 445 245,0 минг сўмни ташкил этган. Жамият 2023 йилни 1 443 145,0 минг сўм зарар билан яқунлаган. Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот-форма №2 да даромад ва харажатлар тўғри кўрсатилган.

Солиқ хисоботлари: Жамият томонидан қўшилган қиймат солиғи, иш хакидан даромад солиғи ва ижтимоий солиқ буйича ҳамда молиявий фаолият буйича хисобот тузиб Чилонзор туман ДСИга хисобот топшириб келган.

Ижтимоий солик: ДСИга топширилган ҳисоботда ижтимоий солик ҳисобланадиган меҳнатга ҳақ тулашга доир даромадлар жами 1 133 791,79 минг сўм кўрсатиб белгиланган 12,0 фоиз ставкада 136 055,01 минг сўм ижтимоий солиқ ҳисобланган. Аудиторлик текширувида ҳисоботга нисбатан фарқ аниқланмади.

Иш ҳақидан даромад солиғи: ДСИга топширилган ҳисоботда даромад солиғи ушланадиган даромадларни 1 150 396,89 минг сўм кўрсатиб 12,0 фоиз ставкада 138 047,62 минг сўм даромад солиғи ушлаб қолингани ва ундан жамғариб бориладиган шахсий пенсия варақаси 523,48 минг сўм ушлаб қолингани кўрсатилган. Аудиторлик текширувида ҳисоботга нисбатан фарқ аниқланмади.

Бизнинг фикримизча, ДСИга топширилган молиявий ҳисоботлар Жамиятнинг 2023-йил 31-декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини барча муҳим жиҳатларда Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўрисида»ги қонуни ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС)га мувофиқ тўғри акс эттирилган.

«XB FINANCE KONSULTING»

Аудиторлик ташкилоти

Директори, аудитор:



Д.Р.Мухитдинов



МЧЖ "XB FINANCE KONSULTING"

Аудиторлик ташкилоти

Тошкент ш, Миробод тумани, Госпитал дахаси 11/2, тел.:(97)251-88-00 р/с 20208000604408712001

ЧАКБ "DAVR BANK", МФО 01046, ИНН 205 666 530, ИФУТ 69202 e-mail: XB.Finance-konsulting@mail.ru

№108/24

23.05.2024г.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

по результатам оценки прогнозных (целевых) значений ключевых показателей эффективности АО « TOSHKENT INVEST KOMPANIYASI » за 2023г.

Сведения об аудируемом лице:

АО « TOSHKENT INVEST KOMPANIYASI »

Юридический адрес: Республика Узбекистан, г.Ташкент, Чиланзарский район, Бешёғоч, ул. И. Каримов, 51.

Tel: 903155660

Выдано свидетельство о государственной регистрации Центром по оказанию государственных услуг г.Ташкент за № 2249998 от 23.08.2023г..

Расчетный счет: 20210000605696233001 в филиале АКБ "МИКРОКРЕДИТБАНК" г.Ташкент

МФО 00433, ИНН: 310731897, ОКЭД 70100.

Основной вид деятельности: Деятельность головных компаний.

Сведения об аудиторской организации:

Аудиторская организация ООО «XB FINANCE KONSULTING»

РУз. 100015. г. Ташкент, Мирабадский район, м-в Госпитальный, дом 11/2.

Тел: +998 97 251 88 00 Факс: +998 71 150 23 01.

email: XB.Finance-konsulting@mail.ru

Государственная регистрация: Свидетельство Министерства Юстиции РУз. № 1018 от 11 мая 2005 года. ИНН: 205666530, ОКЭД: 69202.

Лицензия МФ РУз. серия АФ №00809 от 11 апреля 2019 года на осуществление аудиторских проверок всех хозяйствующих субъектов.

Р.с: 20208000604408712001 в Чиланзарский филиал ЧАКБ «DAVR-BANK», МФО-01046

Директор аудиторской организации: Мухитдинов Дилшод Рустамович САР, Квалификационный сертификат аудитора № 05565 выдано МФ.РУз. от 05 октябрь 2018 год.

Аудитор: Мухитдинов Дилшод Рустамович, (квалификационный сертификат аудитора № 05565 от 05.10.2018г.)

ООО «XB FINANCE KONSULTING» была проведена аудиторская проверка по специальному вопросу: осуществления расчетов и показателей «Ключевых показателей эффективности» (КПЭ) за 2023г. Основание для проведения оценки: договор № 2228899 от 24.04.2024г., заключенный АО «TOSHKENT INVEST KOMPANIYASI».

Аудиторская проверка расчетов (КПЭ) проводилась в соответствии с требованиями Постановления Кабинета Министров РУз. от 28.07.2015 г. № 207 «О внедрении критериев оценки эффективности деятельности акционерных обществ и других хозяйствующих субъектов с долей государства.

ООО «XB FINANCE KONSULTING» произвело изучение системы расчетов и показателей «Ключевых показателей эффективности» (КПЭ) АО «TOSHKENT INVEST KOMPANIYASI» за 2023г. Проверка проводилась на основе сведений, представленных АО «TOSHKENT INVEST KOMPANIYASI» документах бухгалтерского учета; отчетности, представляемой в государственные органы (финансовой, статистической, налоговой и др.); бизнес плане и других материалах, полученных или разработанных в установленном порядке.

Ответственность за подготовку и достоверность содержания представленной эмитентам информации несет руководство АО «TOSHKENT INVEST KOMPANIYASI» .

По результатам проведенной АО «TOSHKENT INVEST KOMPANIYASI» установлено:

По результатам проведенной оценки системы эффективности деятельности исполнительного органа (далее - ИКЭ) АО «TOSHKENT INVEST KOMPANIYASI» набирает 114,72% эффективность деятельности исполнительного органа признается высокой, так как значение ИКЭ превысило 100 процентов. Оценки системы эффективности деятельности исполнительного органа АО «TOSHKENT INVEST KOMPANIYASI»

АО " TOSHKENT INVEST KOMPANIYASI " за 2023 года

1. Основные ключевые показатели эффективности

№	Показатель	<u>Удельный вес *</u>	Прогнозное (целевое) значение	Фактическое значение	Процент выполнения	КПЭ
	A	B	C	D	E	F=ExB/100
1.	Выполнение прогноза чистой выручки от реализации (в тыс.сумах)					
2.	Выполнение прогноза чистой прибыли (убытка) (в тыс.сумах)	35%	- 1,500.00	- 1,443.15	103.94	36.38
3.	Рентабельность активов (%)					
4.	Снижение себестоимости продукции (в % к установленному заданию)					
5.	Коэффициент использования производственных мощностей					
6.	Коэффициент покрытия (платежеспособности)	35%	15.00	18.53	123.53	43.24
7.	Коэффициент финансовой независимости	30%	15.00	17.55	117.00	35.10
8.	Расчет дивидендов (в тыс.сумах)					
9.	Показатель выполнения параметров экспорта (в % к установленному заданию)					
10.	Выполнение индикатора локализации (%)					
11.	<u>Реализация инвестиционных программ (%)**</u>					
12.	Коэффициент независимости от иностранной валюты					
13.	Рентабельность инвестиций акционеров (TSR — Total Shareholders Return)					
	ВСЕГО	100%				114.72

2. Дополнительные ключевые показатели эффективности

№	Показатель	Удельный вес*	Прогнозное (целевое) значение	Фактическое значение	Процент выполнения	КПЭ
	А	В	С	Д	Е	F=ExB/100
1.	<u>Прибыль до уплаты процентов, налогов (EBIT — Earnings Before Interest, Taxes)*</u>	35%	1,500.00	1,443.15	103.94	36.38
2.	Прибыль до вычета процентов, налогов и амортизации (EBITDA — Earnings Before Interest, Taxes, Depreciation & Amortization)*	35%	1,500.00	1,441.88	104.03	36.41
3.	Соотношение затрат и доходов (CIR — Cost Income Ratio)*					
4.	Рентабельность привлеченного капитала (ROCE — Return on Capital Employed)*					
5.	Рентабельность акционерного капитала (ROE — Return On Equity)*					
6.	Коэффициент абсолютной ликвидности	30%	0.20	0.64	320.00	96.00
7.	Оборачиваемость кредиторской задолженности в днях					
8.	Оборачиваемость дебиторской задолженности в днях					
9.	Коэффициент износа основных средств					
10.	Производительность труда					
11.	Коэффициент обновления основных средств					
12.	Фондоотдача					
13.	Доля инновационной продукции в общем объеме реализованной продукции					
14.	Доля затрат на инновационную деятельность в общих затратах предприятия					
15.	Затраты на обучение персонала, в расчете на одного работника					
16.	Коэффициент текучести кадров					
17.	<u>Показатель эффективности пуска производственных мощностей (в% от установленного объема) **</u>					
18.	Энергоэффективность (доля затрат на энергию в структуре себестоимости продукции)					
		100%				168.79

Директор аудиторской организации
ООО «XB FINANSE KONSULTING»



Д.Р. Мухитдинов